

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Yangi O'ZBEKISTONDA erkin va farovon yashaylik!



Тошкент вилояти 1938 йил 15 январь куни ташкил топган. Умумий майдони 15,25 минг квадрат километр. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ҳамда Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Аҳолиси 2 миллион 986,2 минг нафар. 7 та олий таълим муассасаси, 62 та касб-хунар коллежи, 2 та академик лицей, 891 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 минг 372 та мактабгача таълим, 242 та соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлини бошлаганига 30 йил тўляпти. Бу улуг санани муносиб кутиб олиш ва юксак даражада нишонлаш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Тошкент вилоятида ҳам бу борада қутлуг қадамлар ташланмоқда. Тошкент вилояти ҳокими Даврон ХИДОЯТОВ билан суҳбатимиз ўтган давр мобайнида вилоятда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар ҳақида бўлди.

– Даврон Абдулфатахович, Президентимиз “Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марра қўйганмиз”, дея таъкидлаган эди. Катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга булган марказий вилоят раҳбари сифатида ҳудудингизда амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ресурсларга эга булган ҳудуд сифатида мамлакатимизда алоҳида ўринга эга. Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолига янада қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Мавжуд 22 та туман ва шаҳар ҳам кенг қўламли бунёдкорлик майдонига айланиб, замонавий тураржойлар, ижтимоий соҳа объектилари бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 3,9 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 117,2 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2021 йил Инвестиция дастури, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектиларини қуриш ҳамда таъмирлаш бўйича 63 та мактабгача таълим муассасасида 13,8 миллиард сўмлик, 68 та умумтаълим мактабида 23,2 миллиард сўмлик, 12 та соғлиқни сақлаш объектида 17,3 миллиард сўмлик, 13 та ичимлик ва оқова сув тармоғида 15,8 миллиард сўмлик ва автомобиль йўллари жабҳасида 93,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Йил 11 мартдаги “Бозор таъмирлаш бўйича 63 та мактабгача таълим муассасасида 13,8 миллиард сўмлик, 68 та умумтаълим мактабида 23,2 миллиард сўмлик, 12 та соғлиқни сақлаш объектида 17,3 миллиард сўмлик, 13 та ичимлик ва оқова сув тармоғида 15,8 миллиард сўмлик ва автомобиль йўллари жабҳасида 93,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Президентимизнинг 2021

(Давоми 2-саҳифада)

ИСТИҚБОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ИСЛОХОТЛАРИ



Эътироф

Юксак эътибор ифодаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 августдаги «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорларнинг бир гуруҳига миннатдорчилик билдириш тўғрисида»ги фармойишига кўра, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, бюджет барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ тадбиркорларга миннатдорчилик билдирилди.

Улар орасида вилоятимиздан қуйдагилар бор:
“Энг кўп иш жойлари яратган тадбиркор” сифатида
Муратов Саидбек Адилбекович – “Quality device” МЧЖ раҳбари

Назирбеков Рустамбек Равшанбекович – “Navruz international corp” МЧЖ раҳбари

Раҳметов Хикматулла Нарзуллаевич – “East mining invest” МЧЖ раҳбари

“Энг яхши солиқ тўловчи” сифатида
Нурходжаев Алишер Раҳматуллаевич – “Argayl” МЧЖ раҳбари

Сабирджанов Одилжон Садижанович – “Master global plus” МЧЖ раҳбари

“Энг яхши экспортёр” сифатида
Мирзаев Улуғбек Махаматкарим ўғли – “Technologies of real time” МЧЖ раҳбари

Хайдаров Шокир Валерьевич – “Green agro food” МЧЖ раҳбари

Халмурзаев Анвар Нишанович – “Legumes” МЧЖ раҳбари

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



Вилоят ҳокими Даврон Худоятов ЧИРЧИК шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Вилоят раҳбари дастлаб шаҳарнинг “Ифтихор” маҳалласига ёндош ҳудудда фуқаролар томонидан ноқонуний қурилган уй-жойлар ҳолатини ўрганди. Мазкур масаланинг ечими юзасидан вилоят сектор раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.



ПИСКЕНТ тумани “Оқтепа” маҳалласида жойлашган “Ниягара” тантаналар мажмуасида “Уч авлод учрашуви” бўлиб ўтди. Тадбирга туманда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, турли соҳа вакиллари ва иқтисодорли ёшлар тақлиф қилинди.

ОҲАНГАРОН тумани “Убайд” маҳалласида “Ҳар бир хонадонга 100 та парранда” ташаббуси доирасида вилоят ва туман ҳокимлиги масъулари ҳамда 29 та МФЙ вакиллари иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда “Бирлик томорқа хизмати” МЧЖ томорқачилик кластери томонидан имтиёзли банк кредити асосида 110 кунлик товуқлар етказиб бериш хизмати тақлиф қилинди.



ЗАНГИОТА туманида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга зарур ҳуқуқий маслаҳатлар бериш мақсадида сайёр қабул ташкил этилди. Унда вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Озода Паррибоева, вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи Муҳайё Ашурова, вилоят Ички ишлар Бош бошқармаси ХПБ бошлиғи ўринбосари Шаҳноза Содикова ҳамда мутасадди раҳбарлар қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларини тинглашди. Қабулда фуқароларга меҳнат, оила, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, солиқ, соғлиқни сақлаш, транспорт ва бошқа соҳалар бўйича ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев “Қуркулдак” канали устидан ўтган кўприкнинг реконструкция жараёни билан танишди. Лойиҳа қиймати 13,8 млрд сўмлик кўприкнинг узунлиги 33 метрни ташкил қилади. Қурилиш “Кўприк қурилиш Трест” МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда.

ҚИБРАЙ туманида жойлашган вилоят психологик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар уйда ҳашар ўтказилди. Худудни ободонлаштириш ва тозалаш ишларида вилоят Миллий Гвардия бўлимининг 100 нафар, туман ободонлаштириш бошқармасининг 50 нафар ҳамда болалар уйининг ишчи-ходимлари фаол иштирок этишди.





Тошкент вилояти сўнги 5 йилда тубдан янгиланиш ва юксалиш сари юз тутди. Янги факт ва рақамлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг қарийб 18,6 фоизи, электр энергиясининг 19,2 фоизи, кўмирнинг 97 фоизи, цементнинг 31 фоизи, пўлат ва металл прокатининг 100 фоизи, рангли металлларнинг асосий қисми вилоятимиз ҳиссасига тўғри келади. 134 та йирик саноат корхонаси, 65 та республика ҳўжалик бирлашмалари тасарруфидоги, 69 та маҳаллий ҳўкимият тасарруфидоги корхоналар ҳамда 1 минг 528 та қўшма, 10 минг 278 та кичик саноат корхонаси ҳам мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали фаолият юритиб келмоқда.

нинг мавжудлиги эса вилоят туристик салоҳиятини янада кенгайтиришга замин яратмоқда. Бунда, албатта, вилоятнинг қўлай иқлим шароити, ноёб фауна ва флораси, яхши ривожланган туризм инфратузилмаси, "Чорвоқ" эркин туристик зонаси муҳим аҳамият касб этади. 2020 йил бошида 273 та туризм объекти мавжуд эди, жорий йилнинг ўтган даврида 249 та янги объект ташкил этилди.

— Президентимизнинг 2020 йил 1 майдаги "Худудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизimini жорий этиш тўғрисида"ги Қарори доирасида олиб борилган ишлар борисида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.
— Давлатимиз раҳбарининг маскури

белгиланган прогноз 123,3 фоизга бажарилган. Ҳисобот даврида вилоят экспортдаги юқори улуш Чирчиқ шаҳри (36,6 миллион доллар) ва Янгийўл тумани (18,1 миллион доллар) ҳиссасига тўғри келмоқда. Ҳозир вилоятда 730 дан зиёд экспортёр корхона фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг 5 ойида 60 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, 21 миллион долларлик қурилиш моллари, 1,1 миллион долларлик пойабзал ва чарм маҳсулотлари, 117 миллион долларлик трикотаж ва ип-калава маҳсулотлари экспорт қилинди.

— Куз эшик қоқиб турибди. Шундай экан, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, кўп қаватли уйлари бошқариш, газ, электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти борисидоги ишлар қандай кетяпти?

— Шу ўринда айтиш лозимки, вилоятимизда самарасиз фаолият юритаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига бошқарув сервис компаниялари ташкил этилди. Ушбу янги тузилма соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли бартараф этиш, аҳолига қўлайлик яратишга хизмат қилмоқда. Яна бир қўлайлик жиҳати шундаки, БСКда тўлов биллинг тизими орқали қабул қилинади.

Бугунги кунда вилоятдаги 153 та ширкат 38 та бошқарув сервис компаниясига бириктирилди. "Обод қишлоқ" дастури доирасида 9 та кўп қа-

вичлик ва оқова сув тармоғи, 106 та сув кўтариш иншооти биноси ва 202 та сув кўтариш мосламалари мукамал ва жорий таъмирланди. Қисқаси, вилоятда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси тасарруфидоги барча корхона ва ташкилотларда аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида олиб борилган тизимли ишлар изчиллик билан давом этмоқда.

Жорий йилда аҳолини зулуқсиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида 10,5 километр янги тармоқ тортилди. Натижада 9 минг 176 та хонадон табиий газ билан таъминланди. Аҳолини электр энергияси билан таъминлаш бўйича ишлар ҳам давом этипти. Жойларга 144 та замонавий янги трансформатор ва 438 минг 896 нафар истеъмолчи хонадонига замонавий, масофадан туриб бошқариладиган, АСКУЭ тизимига мос келувчи ақли ҳисоблагичлар ўрнатилиб, босқичма-босқич ишга туширилмоқда. Натижада дебитор қарздорлик 15 миллиард сўмга қисқарди.

— Шу ўринда ғалладан бўшаган майдонларни ишсиз фуқароларга 10 йил муддатга деҳқон ҳўжалиги шаклида ажратиб бериш борисидоги қилинган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Жорий йилда вилоятимизда 106 минг 495 гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, ушбу майдонлардан давлатга 267 минг 462 тонна — 239 минг 960 тонна товар дон, 27 минг 502 тонна уруғлик ғалпа ҳўсили олиш режалаштирилган. Халқимизнинг ризиқ бўлган донни нест-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш бўйича барча чоралар кўрилди ва юқори ҳўсил олишга эришилди.

Вилоятда ғалладан бўшаган майдонларни ишсиз фуқароларга 10 йил муддатга деҳқон ҳўжалиги шаклида ажратиб бериш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ СЛОҲОТЛАРИ

Яна шунинг алоҳида таъкидлаб ўтишим жоизки, шу йилнинг январь-май ойларида 3 минг 920 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Бугунги кунга вилоятда фаол инвестиция муҳитини яратиш, саноат ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш эвазига янги иш ўринларини кўпайтиришдан иборат лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 10 август кунин Тошкент вилоятида саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги имкониятлар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари вилоятда имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини қайд этиб, саноат тармоқларида янги лойиҳаларни кўпайтириш, қўшилган қўйиматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади ва олдимизга йил якуни билан ҳудудий саноат ҳажмининг 40 фоизга ошириш вазифасини қўйди.

Маълумки, вилоят иқтисодий-иқтисодий муҳим тармоқларидан бири қишлоқ ҳўжалиги ҳисобланади. Қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши бугунги кунда 11,1 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, фармацевтика ва тибиёт эҳсоли ҳам жадал ривожланмоқда. "Паркент фарм" ва "Бўстонлик фарм" эркин иқтисодий зоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Вилоятда амалга оширилаётган ишлар ва кўзда тутилган режалар ҳақида гап кетганда, аввало, кейинги йилларда ҳудудимиз экотуризм масканига айланиб бораётгани, шу боис, воҳага келиб-кетувчи сайёҳларнинг сонини ортганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турли йўналишдаги 100 дан ортқ дам олиш масканлари (Давоми. Бошланиш 1-саҳифада)

қарори ишимизда дастуриламал бўлмоқда. Худудларнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари солиқ тўловлари, экспорт, музжаатлар, тадбиркорлик, кичик бизнес, саноат, хизмат кўрсатиш, чакана савдо, инвестиция, хотин-қизлар ва ёшлар йўналишларига боғлиқ ҳолда белгиланади.



Аброр ЭСОНОВ /Тошкент ҳақиқати/ олган суратлар

Кичик бизнес субъектлари йўналишида олиб борилган таҳлилларга кўра, бугунги кунда энг юқори натижа Бўка туманида қайд этилган — 104 фоиз. Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Бўстонлик ва Оқўрғон туманларида ҳам яхши натижага эришилган.

Шунингдек, солиқ тўловларининг йиғилиш даражаси ҳудудлар кесимида ўрганилганда, вилоятдаги солиқ тушумларининг асосий улуши Зангиота, Қибрай, Тошкент туманлари, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларига тўғри келяпти.

Бундан ташқари, вилоят ҳудудий экспорт режаси кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар ва амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг январь-март ойларида 156,4 миллион АҚШ долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилиб,



ватли уй таъмирланиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Масалан, Бекобод шаҳридаги 21 та ширкат тугатилиб, 6 та бошқарув сервис компаниясига бириктирилди. Энди 228 та кўп қаватли уй аҳолисига коммунал соҳада сифатли хизмат кўрсатилади. Олмалиқ шаҳрида ҳам 20 та ширкат 5 та БСКга айлантирилди. Бу эса 201 та кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган аҳоли вакилликларига коммунал соҳада сифатли хизмат кўрсатилиши учун замин яратади.

Йил якунига қадар вилоят тасарруфидоги туман, шаҳарлардаги қолган кўп қаватли уйлар ҳам БСКлар томонидан тўлиқ қамраб олиниши режалаштирилган. Ҳозир маскури ташкилот томонидан Оҳангарон, Нурафшон, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Янгийўл туманида маълумий бинолар (офислар) бунёд этиляпти. 2021 йилда Инвестиция дастури бўйича ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан 488,5 километр

Хусусан, "Бир ҳудуд — бир маҳсулот" тамойили асосида ерларни 20 сотихдан қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ажратиб бериш режалаштирилган. Туманларда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турганлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш истаги бор хонадон эгаларига ўртача 20-25 сотихдан ер ажратиб бериш орқали вилоят бўйича 270 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Бу ер майдонларидан самарали фойдаланиш, аҳолига маҳсулот экиш, парвартириш ва йиғиб олиш учун қўлайлик яратиш ва етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигининг олдини олиш мақсадида, агрокластерлар, экспортёр корхоналар ва "Томорқа хизмати" МЧЖлар бириктирилган.

Бир сўз билан айтганда, ўзаро ҳамжихатлиқда истиқомат қилаётган Тошкент вилояти аҳолисининг эртанги кундан умиди катта. Улар ҳалол меҳнати, шижоати, ташаббускорлиги билан мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллигини ҳар жабҳада улкан ютуқлар билан кўтиб олади.

"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2021 йил 18 август сонидан олинди



ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2021 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарорини қабул қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Хусусан, 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси куйидаги таркибда тузилди:

10-ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

("Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкенттелеком" Тошкент вилояти филиали биноси, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 1-уй, телефонлар: 0-355 901-73-98, 0-355 901-73-99)

Раиси

1. Болтабаев Махмуджон Рустамович — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори

Раис ўринбосари

2. Шоисманов Дилшод Шоисманович — "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси

Котиби

3. Турсунбаев Алим Саматович — Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар 57-умумтаълим мактаби директори

Аъзолари

4. Акбарова Фариди Шорахмировна — Тошкент вилояти Қибрай тумани "Бўстон санаторияси" МЧЖ директори

5. Худайбергенов Алишер Утқурович — "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Тошкент филиали директори ўринбосари

6. Хилватуллоева Зарипа Абдуназаровна — Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилояти кенгаши раиси

7. Акбаров Улугбек Аюбонович — Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

8. Мухамедазизова Ирода Рахматиллаевна — Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилояти бўлими бошлиғи

9. Канаев Динислам Акимбаевич — Тошкент вилояти Қозоқ миллий маданият маркази раиси ўринбосари

10. Раҳимова Замирахон Боиржоновна — Қўзи оқизлар жамияти Тошкент вилояти бошқаруви раиси

11. Юсупов Илбў Ходжикабарович — Адвокатлар палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

12. Шарафова Одина Баҳром қизи — Тошкент вилояти "Иқтисодий ҳимоя" жамияти раиси

13. Хусанов Баҳодир Эргашевич — Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

14. Османова Зулфия Энверовна — Ўзбекистон Нотариал палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

15. Авазов Сардоржон Эркин ўғли — Тошкент давлат аграр университети қишлоқ ҳўжалиги фитопатологияси кафедраси профессори

16. Нойбов Исможон Нойбович — Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

17. Югай Светлана Леонидовна — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани Корей маданият маркази раҳбари

18. Иномхонов Шохруҳшон Баҳодир ўғли — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши раиси

19. Эркинов Шахбожон Шокир ўғли — Тошкент вилояти молия бошқармаси етакчи мутахассиси

20. Ахоров Жасур Давлатбоевич — Тошкент вилояти кадастрлари палатаси бошқармаси бошлиғи

21. Тухтаев Улугбек Кидиралиевич — Тошкент вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Барча округ сайлов комиссияларининг тўлиқ таркиби Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинган.

Семинар

БИР ҲУДУД — БИР МАҲСУЛОТ

Бўка туманидаги "Бўстон ёшлар боғи"да "Бир ҳудуд — бир маҳсулот" лойиҳаси асосида аҳоли хонадонлари паррандачиликни ривожлантириш мавзуида семинар ўтказилди.

Семинарда вилоят Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва вилоят ҳўкимлиги мугасаддилари, Бўка, Бекобод ҳамда Оҳангарон туманларида истиқомат қилувчи намунали хонадон эгалари, маҳалла раислари иштирок этишди.

— Дастур доирасида Фермерлар кенгаши жамғармасидан ажратиладиган кредит асосида 1 та оила учун ўртача 15 миллион сўм ажратилади, — дейди вилоят Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари Зоир Эшнаев. — Бунда бир оилада 100-150 бош парранда боқилиши кўзда тутилган.

Семинарда ҳар бир туманда ўртача 800 тонна парранда гўшти, 76 миллион дона туҳум етиштирилиши таъкидланди.

— Туманимиздаги "Жағалбайли", "Мирзабек", "Катта Раов" маҳаллаларидан 50 тадан хонадон танлаб олинди, — дейди туман ҳўкимининг ўринбосари, маҳалла раиси Шайхмуродов. — Парранда гўшти етиштириш йўналишида "Хайбури" номли курка зотининг бир ойлик жўжалар-



ри тарқатилади. Ҳар бир хонадонга 5 миллион сўм кредит ажратиilib, 30 дона курка жўжалари учун 15 кв. метр ҳажмидаги катак, бир миллион сўмлик ем озқаси етказиб берилди.

Таҷрибаларга қараганда, бу курка зоти беш ойда 20-28 кг гўшт қилади. Ўртача ҳисобда 1 кг курка гўштининг таъминоти 30-35 минг сўмдан сотиб олиши режалаштирилган. Хонадонларда боқилган курка агар ўртача 20 кг гўшт қилса, боқувчининг соф фойдаси 18 миллион сўмни ташкил этади. Эътиборлики, паррандалар иқтисодий ҳимояга муҳтож оилаларга имтиёзли равишда тарқатилади.

Семинар якунида мавзуга доир савол-жавоблар бўлиб ўтди.

НИГОРА УРОЛОВА,
Тошкент ҳақиқати/

Мавсум яқин

ҚИШДА КЎМИР БЎЛАДИ (МИ?)

Мана, ёзининг жазирама кунлари ўтиб, куз фасли эшик қоқиб турибди. Ҳаммамизга аёнки, тез кунда ҳаво ҳарорати пасайиб, хонадон ва иш жойларини иситишга эҳтиёж сезамиз. Ҳўш, вилоятимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик борисидо қандай ишлар амалга

— Жорий йилда истеъмолчиларга 4,8 млн. тонна, жумладан, иссиқлик электр станцияларига 3,3 млн. тонна, аҳолига 985 минг тонна, иқтисодий соҳа ташкилотларига 450 минг тонна, иқтисодиётнинг реал секторига 0,1 млн. тонна кўмир етказиб бериш режалаштирилган, — дейди "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти Аҳборот хизмати раҳбари Неъмат Душаев. — 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсуми учун республика иқтисодий соҳа объектлари-

ни кўмир билан таъминлаш режаси мўдатидан 15 кун аввал бажарилди. Бюджет истеъмолчиларига режадаги 450 минг тонна кўмир ёқилгисини ҳудудлардаги омондорларга тўлиқ юклаб юборилди. Бу ўтган йилги режага нисбатан 45 минг тонна кўпдир.

Конда тайёр маҳсулотни юклаб жўнатувчи иккита пункт бор эди. Яқинда 16-бўлимда яна бир пункт қуриб ишга туширилди. Натижада, юклаш жараёнидаги тизимликка барҳам берилди. Яъни,

вақт тежалмоқда, вагонлар ҳам кўтиб қолмаяпти. Бундан ташқари, истеъмолчиларга кўмирни сифатли етказиш имконияти ҳам кенгайди.

Кўмир қонида техникалардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам белгиланган режалар бажарилишида муҳим омил бўлмоқда. Кўмир маҳсулотини истеъмолчиларга "Кўмир таъминот" масъулияти чекланган жамияти тасарруфидоги 96 та ҳудудий кўмир омондорлари орқали тарқати-

моқда.

— Истеъмолчиларга ҳамиша сифатли кўмир етказиб бериш ҳаракатидамиз, — дейди экскаватор машинисти, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳибни Абдували Рустамқулов. — Бошқарувимизда Япониянинг Hitachi EX-1200 экскаватори ишни анча энгиллаштиради. Аслида қондан сифатли кўмир қазиб олиш осон эмас. Кўмир қатламлари чўкинди жинслар остида, анча чуқуридага этади. Улар кўпичина қумтош, оҳақтош ва

тоғ жинслари билан аралаш келади. Экскаваторнинг кўмирни ана шу тоғ жинсларидан осонгина ажратиб олади. Бу ноёб техника бошқа экскаваторлар бажара олмайди, ишларни уйдаяпти. Нархи ҳам шунга яраша — қиммат.

Эътиборлики, таҷрибали экскаваторчи ва унинг бригадаси 7 кубометрли ушбу техника билан йиғишни бир ҳафта мобайнида муваффақиятли тугатишди.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ
Тошкент ҳақиқати/



COVID-19

Кураш давом этмоқда

Нурафшон шаҳрида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Тошкент вилояти бошқармаси ва вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан матбуот анжумани ўтказилди.



дейти Н. Атабеков. – Ачинарлиси, Чиноз туманидан 3 нафар шахс вафот этган. Улар касалланганидан 3-4 кун ўтказибгина шифохонага муножаат қилишгани сабабли кўрсатилган тиббий ёрдам самара бермаган. Шунингдек, Олмалик шаҳри ва Оққўрғон туманида ҳам шу каби ҳолат содир бўлган. Бундай вазиятда касаллик қанча эрта аниқланса, беморнинг тузалиши ҳам тезлашади.

Матбуот анжуманида жорий йилги Президент сайлови жараёнларида сайлов бўлиб ўтадиган ҳудудларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан қандай тайёргарлик қўрилатганига ҳам тўхталди. Ҳозирда сайлов участкаларига қўйиладиган талаблар бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиб, жойларга юборилган. Асосийси, жараёнда бевосита иштирок этувчилар тўлиқ эмланиши керак. Сайловчилар овоз бериш жараёнида ижтимоий масофани сақлаши, антисептик воситалардан фойдаланиши, ниқобларда бўлиши, тана ҳароратини ўлчаш ҳолатлари назоратга олинади. Касаллик белгилари аниқланган фуқароларнинг уйларида, ҳатто шифохоналарда даволанаётган беморлар учун махсус қутилар олиб борилади.

Яқунда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассисдан жавоб олишди.

Нигора ҲОЛОВА,
Ташкил ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

яқин аҳоли коронавирусга қарши эмланиши режалаштирилган.

Биринчи галда 65 ёшдан катта, хавф гуруҳига кирувчи, шунингдек, тиббиёт ходимлари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг электрон рўйхати шакллантирилди. Шунингдек, 22 та шаҳар-туманлардаги вакцина сақлаш омборхоналари, барча эмлаш ўтказадиган пунктлардаги совутичлар тафтишдан ўтказилиб, коронавирус вакцинасини белгиланган тартибда "совуқлик занжири" асосида, сақланиши ва ишлатилиши устидан назорат кучайтирилди.

Вилоятда коронавирусга қарши эмлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказиш учун жами 295 та эмлаш пункти, 317 та эмлаш бригадалари, бунга қўшимча 60 та мобиль эмлаш бригадалари шакллантирилди. Барча мобиль бригадаларга автомобиллар бириктирилди. Жойлардаги 1 минг 500 дан зиёд тиббиёт ходимлари "Эмлаш

хавфсизлиги" бўйича қайта ўқитилди.

Шунингдек, тadbирда вилоят аҳолисини сифати кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида амалдаги санитария меъёрларига риоя қилиниши бўйича оқватланиш ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари устидан белгиланган тартибда назорат олиб борилаётгани таъкидланди.

Хавфсизлиги кафолатланмаган ноқонуний савдо билан шуғулланган фуқаролардан олиб қўйилган 3 минг 192 килограмм озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилингани айтилди.

Шу ўринда, Н. Атабеков аҳолининг ўй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларидан заҳарланиш ҳолатлари кўп учраётгани, ҳар бир аниқланган ҳолат юзасидан текширишлар ўтказилиб, тегишли чоралар қўрилатганини таъкидлади.

– Хусусан, вилоятдаги 4 та ҳолатда касалликка чалинганларни йўқотдик, –



CORONAVIRUS

Эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Махсусюктранс" МЧЖнинг 2021 йил 20 августдаги № 360-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

№	Автомобилтранспорти воситасининг тавсифи (русуми, давлат рақами, ишлаб чиқарилган йили, техник ҳолати)	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	MAN TGS 26-400 давлат рақами 10 136 UAA 2011 йилда ишлаб чиқарилган	178 074 000
2	MAN TGA 26-400 давлат рақами 10 260 LAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	170 879 000
3	MAN TGA 26-400 давлат рақами 10 285 LAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	170 027 000
4	MAN TGA 26-400 давлат рақами 10 286 WAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	167 856 000
5	MAN TGS 26-400 давлат рақами 10 817 MAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	170 879 000
6	MAN TGA 26-400 давлат рақами 10 885 MAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	170 027 000
7	MAN TGA 19-400 давлат рақами 10 870 MAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	165 674 000
8	MAN TGA 26-400 давлат рақами 10 194 LAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	170 027 000
9	MAN TGA 19-400 давлат рақами 10 245 QAA 2010 йилда ишлаб чиқарилган	163 492 000
10	MAN TGA 19-400 давлат рақами 10 237 FAA 2009 йилда ишлаб чиқарилган	162 821 000
11	MAN TGA 19-400 давлат рақами 10 409 VAA 2009 йилда ишлаб чиқарилган	162 821 000
12	Трактор ТТ380.10 русумли давлат рақам белгиси 10 894 BA, 2009 йилда ишлаб чиқарилган	26 972 000
13	Трактор тиркама 2ПТС-4-793A русумли рақам белгиси 10 AA 699, 2010 йилда ишлаб чиқарилган	6 940 000
14	GAZ 53 A русумли давлат рақам белгиси 10 460 WAA 1981 йилда ишлаб чиқарилган	25 258 000
15	OZCKYRAT давлат рақами 10/1703AA	50 616 000
16	OZCKYRAT давлат рақами 10/1209AA	50 068 800
17	OZCKYRAT давлат рақами 10/1854AA	50 068 800
18	OZCKYRAT давлат рақами 10/1856AA	50 068 800
19	OZCKYRAT давлат рақами 10/1648AA	50 616 000
20	OZCKYRAT давлат рақами 10/1649AA	50 068 800
21	OZCKYRAT давлат рақами 10/1210AA	50 889 600
22	OZCKYRAT давлат рақами 10/1704AA	50 342 400
23	OZCKYRAT давлат рақами 10/1741AA	50 616 000
24	OZCKYRAT давлат рақами 10/1868AA	51 984 000

Аукцион савдоси 2021 йил 20 сентябрь кuni соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири муддати: 2021 йил 17 сентябрь кuni соат 16:00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 20 сентябрь кuni сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 4, 11, 18 октябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар

учун аризалар қабул қилишнинг охири муддати савдо бўлишидан бир иш кuni олдин соат 16:00 гача.

Савдо ёлиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан

тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "RMM" МЧЖнинг ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Тел.: 71-237-23-86. Гувоҳнома №001805.

Партиялар ҳаётидан

Ёшларни ватанпарварлик руҳида ётарбиялаш, маънавий етук авлодни камолга етказиш бугун ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланган. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остида республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган турқум тadbirlar ўтказмоқда.

Ёшларни қўллашга тайёрмиз!

Қўрай туманидаги "Бўстон" санаторийсида ташкил этилган маданий-маърифий кўнгилочар тadbир ҳам юқоридаги шиорга ҳамроҳанг бўлди.

Тadbирда партия ташкил этилганининг илк кунларидан бирга бўлган фаоллар, депутатлар, халқимиз суйган маданият ва санъат соҳаси вакиллари, таниқли спортчилар, тadbirkorлар, фермерлар ва ёшлар фаол иштирок этишди.

Маъмур тadbирдан қўзланган асосий мақсад, ёшларимизнинг онгу шуурига Ватанимиз тақдирини ва келажак учун дахлдорлик ҳиссини, жавобгарлик масъулиятини сингдириш эди.

Тadbирни ЎзЛиДеП Тошкент вилояти Кенгаши раиси Тўлқин Файзиев кириш сўзи билан очиб, сўнги беш йилда халқимиз ҳаёти ва мамлакатимиз тараққиётини мутолқо янги босқичга олиб чиққан ислохотлар хусусида тўхталди.

Очиқ осмон остида ўтган мулоқот куй-қўшиқларга уланди.

Ўз мухбиримиз

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ! Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

«Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани А. Ортиқов массиви ҳудудида жойлашган ер майдонида 10 та (80x12 м. ўлчамда) Корея типидagi иссиқхона қурилиши учун танлов эълон қилади.

Танлов иштирокчиларидан тижорат таклифлари эълон газетада чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Корея типидagi иссиқхона қурилишининг танлов шартлари қуйидагилардан иборат:

- Иссиқхона ўлчами: 80 x 12 м;
- Баландлиги: 5,3 м;
- Ўраш материали: том қисмини ўраш – 150 микронлик полиэтилен плёнка;
- Иссиқхона системаси: пўлат карказ (структура), ўраш, ҳашарот тури системаси, вентиляция системаси, тугмали бошқарув системаси, иситиш тизими ва ҳ.к;
- Пўлат структура материали миллий стандарт асосида юқори сифатли карбон пўлат ҳисобланади. ГБ/Т1912-2002;
- Суғориш системаси қалинлиги – 0,16 мм. ўлчамдаги пластмасса труба, 32 мм. ўлчамдаги пластмасса труба;
- Салқин қилувчи тўр 0,75 фоизли ўтказма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

- шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, молиявий ресурсларга, техник ускуналарга, хом ашё ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;
- тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжуд эмаслиги;
- банкротлик ҳолатига оид маълумотларнинг мавжуд эмаслиги.

Маълумотлар учун телефон:
+998 90 100 76 76.

Сирдарё вилояти Давлат хизматлари маркази томонидан 24.03.2016 йилда Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Намуна М.Ф.Й. Халқлар дўстлиги кўчасида жойлашган (СТИР 303866114) 0056 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган "MODERN LIFT SYSTEMS" қўша корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўстонлиқ гурунглари

Иланиш ва интилишдан чарчамайдиган, юксак салоҳиятли ёш кадрларга бўлган талаб кун сайин ортмоқда. Айниқса, бугунги ахборотлашган даврда соҳага меҳр қўйиб, унинг сир-асрорларини ўрганишга иштиёқи баланд, ҳолислик ва ҳаққонийлик билан ижод қилувчи, ҳаракатчан ёш журналистларнинг "бозори чаққон". Уларнинг изланишларини рағбатлантириш, тўғри йўл кўрсатиб, малакали мутахассис бўлиб етишишларида эса тажрибали устозларнинг маслаҳатлари жуда муҳим.

МЕДИА МАКОНДАГИ ЯНГИ "ТРЕНД"лар

Бўстонлиқ туманининг «Хўжакент» ва Ёшлар агентлигига қарашли ороғмоҳлар қошида ёш журналистлар учун "Медиа макондаги янги трендлар" мавзусида «Media camp» ёзи ороғмоғи ташкил этилди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Туризм ва спорт вазирлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган семинар-тренингларда уч кун давомида таниқли журналистлар ёшларга маҳорат дарслари ўтишди.

Сўнгги пайтларда тревэл журналистика миллий медианинг энг замонавий йўналишларидан бирига айланмоқда. Сабаби, одамларнинг саяхатга қизиқиши, дунёни билишга бўлган иштиёқи ортапти. Бу масалада ўзбек журналистикасида намуна бўладиган тревэл мақолалар ёзадиган журналист-блогер, "Ziyo.uz" сайти раҳбари Даврон Тожаев ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Бу тренинг "Маданият ва маърифат" телеканали директори Воҳид Лурмонов ҳамда "Дунё бўйлаб" телеканали директори Нодир Тулагановлар кўшигида эса баҳс янада қизиқари тус олди.

Спорт журналистикасида қизиқувчилар учун Токио-2020 Олимпиада ўйинлари муҳбирлар томонидан қандай ёритилганини билиш муҳим. Айниқса, Олимпиадада иштирок этиб, мусобақаларни тўғридан-тўғри ёритган журналистнинг таассуротларини тинглаш икки қарра мароқли. "Спорт" телеканали директори Зоҳид Каримов ўтказган маҳорат дарси тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаларини ёритишнинг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳақида бўлди.

Онлайн медиа маконда электрон ОАВ аудиторияси катталиги жиҳатидан олдинги ўринларда туради. Аммо электрон ва босма ОАВ орасидаги ўзаро муносабат қандай? Ахборот маконда улар ҳамқорми ёки рақобатчими? Ахборот ўзатишда уларнинг позицияси, ўзига хос ёндашуви қандай аҳамияти эга? Бу саволлар бўйича "Daegu.uz" сайти бош муҳаррири Мухрим Аъзамжўаевнинг шахсий фикрлари ёшларни мушоҳадага қорлади.

Янги ўқув йили олдиндан ўтказилган бу тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди – дейди ЎзЖОКУ медиа назарияси ва амалиёти кафедраси mudiri Назира Тошпўлатова. – Талабалар устоз журналистлар билан бўлган суҳбатлардан мотивация олади. Ўйлашимизки, уч кунлик тадбирлар бўлажак журналистларнинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Тренинглар орасида ёш журналистлар мириқиб ҳордиқ чиқаришга ҳам улгуришди. Хусусан, волейбол, футбол, стол теннис, сузиш бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Камолитдин РЎЗИМАТОВ /Тошкент ҳақиқати/

Ўзбекистон – умумий уйимиз
Етти келмининг аҳиллигини қаранг...

тимизда эса ўзбек (70 фоиз), қозок (12 фоиз), тожик (5,5 фоиз), рус (4,6 фоиз) ва бошқа миллат вакиллари (7,9 фоиз) аҳил-иноқ яшашмоқда. Биргина Пискент туманида 13 мингга яқин турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилишмоқда. Туманининг "Оқтепа" маҳалласида яшайдиган Жонсаидовлар оиласи ҳамжиҳатлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётди. 87 ёшни қаршилаган Анор ая Жонсаидованинг етти ўғил, икки қизи бор. Ажабланирлиси, оиладаги етти келин турли миллатга мансуб. Онахоннинг айтишича, раҳматли турмуш ўртоғи Серикбой ота билан салкам қирқ йил бахтли турмуш қилишган. Шунча йиллар давомида қандайдилар билан бирор марта "сан-манга" боришмаган.

– Маҳалламизда 2 минг 475 нафар фуқаро истиқомат қилади. Улардан 800 нафаридан ортигини қозоқлар, 14 нафари тожиклар, 25 нафарини руслар, яна озарбайжон ва татар миллатига мансублар ташкил этади, – дейди "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Шеронов. – Анор ая оиласи маҳалламизнинг намунали хонадонларидан бири. Бу оилани кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатамиз. Миллатлараро тотувлик тушунчаси бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Фитрат бир асаридида келтирганидек, "Одамлар қайси дин, қайси қавм, қайси миллатга мансуб бўлмасинлар, бир отанинг фарзандлари, бир жиннинг авлодлари, бошқача қилиб айтсак, бир-бирларига биродар. Шундай экан, бир-бирларига шарт қўймай, муҳаббатли ва шафқатли бўлиши керак. Ўғлини, ўрталарида "умумий биродарлик"ни барпо этишлари керак". Бугун юртимизда халқлар дўстлиги, миллатлар тотувлиги йўлида қилинаётган саяҳат-ҳаракатлар бунинг ёрқин исботидир.

Нигора УРОЛОВА, Муроджон РАҲМАТОВ /Тошкент ҳақиқати/

"Қисас ул-анбиё" китобида шундай ривоят бор: Биби Марям Исони бўёқчиликни ўргансин деб бир рангрёзга шогирдликка берибди. Бир куни устанинг йомушлари кўпайиб, либосларни ранглашни Исога топширади. Ҳазрати Исо барча либосларни битта хумга солиб қайнатади. Рангчи келиб: "Либосларни нима қилдинг?" деб сўраганида: "Бўяб бўлдим", дейди шогирд. "Қани кўрай-чи?", дейди уста ишнинг бунчалик тез битганидан ҳайрон бўлиб. "Ҳаммаси мана бу хумнинг ичида", деган жавобни эшитиб, устанинг фиғони кўкка ўрлайди ва: "Расво қилибсан-ку!" дейди. Исо: "Шошманг", дейди-да, либосларни бирма-бир хумдан олади. Турфа либосларнинг ҳар бири битта хумда, кўнгилдагидек бўялганини кўрган рангчи ҳайратда қолади. Шунда Исодан ушбу ишнинг таърифини суриштирганда: "Инсон қалби ҳам хумга ўхшаб кенг қилиб яратилади. Аммо қандай сақламоқ эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Эйтибор берсангиз, икки тоғ наридаги кичик бир қишлоқда турли миллат вакиллари яшайди. Қишлоқ аҳлининг аҳил-иноқлигини кўриб, турли миллат вакиллари, деб ўйламайсан. Бундай иноқликда яшашликнинг сирини эса, қишлоқ оқсоқолининг ақли ва кўнгли кенглигидан. Яъниким, оқсоқол барча миллат вакиллари билан бир мақсад йўлида бирлаштира олган. Бу воқеанинг хумдаги кийимларга нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Мен ранглаш учун хумга солаётган кийимларнинг барчаси бир турга мансуб кийимлардир. Қишлоқда яшайдиган аҳолининг ҳам мақсади бир. Шунинг учун аҳилликда яшапти. Қандай мантқиқ борлигини кўрингизми?" деган жавобни эшитди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари истиқомат қилади. Кўп миллатли вилоят...



"Наврўз" булбулчалари

Бекобод шаҳрининг "Наврўз" маҳалласидаги 14-ўрта мактабда 430 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Мактабда беш ташаббус доирасида 18 та тўғарақ ташкил этилган.

Жумладан, Ёрмамат Раҳматуллаев бошчилигидаги "Булбулча" гуруҳида 25 нафар ўқувчи мусиқа йўналишида сабоқ олади. Айни кунларда гуруҳ иштирокчилари Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Султонбой ДЕҲҚОНОВ олан сурат

ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗ ЭСТАФЕТНИ ДАВОМ ЭТТИРИШАДИ

Жорий йилнинг 24 август – 5 сентябрь кунлари Япония пойтахти Токио шаҳрида XVI ёзги Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтади

Ўзбекистонлик паралимпиячилар спортимиз тарихида янги саҳифа очилиши ҳозирданқо бошлади. Паралимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоа спортчилари «Токио-2020» ёзги Паралимпия ўйинларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ йўлланмаларни кўлга киритишди. Жумладан, атлетларимиз томонидан кўлга киритилган йўлланмалар сони 55 тага етди. Агар Рио-де Жанейрода ўтган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 5 та спорт тури – пара сузиш, пара дзюдо, пара енгил атлетика, пара пауэрлифтинг ва пара ўқ отиш бўйича беллашувларда иштирок этган бўлса, «Токио-2020»да ушбу спорт турлари сони яна 3 тага ошди. Ўзбекистон тарихида илк бор пара каноэ, пара тазквондо ҳамда пара академик эшак эшиш спорт турлари бўйича йўлланмалар кўлга киритилди. Японияда бўлиб ўтиши кутилаётган муҳим спорт анжуманида ҳамюртларимиз ўз натижаларини ҳар томонлама яхшилаб, Ватани-

Ҳажвийетимиз хазинасидан

Хотиндаги ўзгаришни сония-ямасония кузатиб, ҳайратдан тобора ҳайкалга айланиб бораётган Мардивой, кейинги сўзни эшитган, туш қурмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун сонини каттиқ чимдиди. Во-о! Дунёда манавианақа усуллар боракан-у! Ҳожикурбон мойдек эриб бўлган хотиннинг кўзларига синчковлик билан тикилди: – Қовурилган жигарни қуруқ еб бўларканми? Худди бирор нарсанг бордек гапирасан-а. – Жовонда ярим шилсача вино бориди шекилли? – Нима-а? – қоллондек ириллади Ҳожикурбон. – Кимсан, Ҳожикурбон бўлсан-у, мекмоннинг олдида астатка ичаманми? – Бўпти, дадаси, бўпти. Ҳозир ўлгингизни дўконга юбораман. Бутунидан опкалади. Хотин шундай дея, шипиллаганича ичкарига йўналди. Пиллапоёда гўдаиб турган Ҳожикурбон димогини шилтирган сикқда Мардивойга ўғирилди: – Похолдўқнинг зағитини кўрдингми? Сенан юрибсан-да эркакман деб. Ҳе тирраки! Анвар ОБИДЖОН

"Похолдўқ"

– Похолдўқ? – Шунин билганим, хумқалла, сен хохлайсанми, хохлаймайсанми, хотинлар ўзи ёқтирган нарсани барибир олмасдан қўймайди. Тинчгина рўзгор қураман десанг, хотиннинг нима олмоқчилигини билволиб, ўша нарсани олишга гўё ўзинг мажбур қилгандек бўл. Шунда эр-



шу, эртагаёқ янги кўйлақ оладан. Агар гапимни қайтарсанг... Ҳозиргина темирни ғажийман деб турган хотин бирдан бўйин қисиб боқди: – Мен бир нарса деяпманми? – Дебам кўр-чи! – муштини ўйнатиб, энди хотинига дадил ақинлашди Ҳожикурбон. – Жуда индамаса, а? Арчиб қўяйми шу тонда? Сенда орият бўлмаса, мана, бизда бор. Кўрганлар айтмайди, Ҳожикурбондек одамнинг хотини жулдирвоқи

Дўқондан сут олиб келаётган Ҳожикурбон уйига етай деб қолганида, қўшинининг дарвозаси зарб билан очилиб, пирираганича Мардивой чикиб келди. Ортидан «Адидаас» деган ёзувли чанқоқларни дўлайиб, хотини кўриди. – Ху, ўшаммагур! Илоийм, тилингта зиндалак чиқсин! Бизнинг давримизда келинлар эрини кўсов ушлаб қуварди, замоннинг маданиялашиб кетганини қаранг, деб ўйлади Ҳожикурбон. Сўнг салобатли ҳаракат қўллаб, орага кирди. – Қанақа тўпалон бу? Айниқса, мендек одамнинг олдида-я! – Э, кўрмайсизми, – дея шоша-пиша унинг панасига ўтди Мардивой, – ўзидан-ўзи жаза-валаниб... – Ўзидан-ўзимизи... Кўпчиб ётманг деб уйготгани кирсам, «О-о», Марфушахо-о-о», деб алаҳсираган ким? – Бекорларни айтибсан. Ҳеч қанақа Марфушахон деган танишим йўқ. Тўхматчаллаб бу! Келин кўпларини бикинига тираб: «Ум-м, ҳали биз тўхматчиам бўлқолдикми», дея галдаги чопонқоқдига шайланганида, Ҳожикурбон: «Э, бўлди-да энди», деб ўзидан яна дувоп ясади.

Publication information for TOSHKENT HAQIQATI (TOSHKENTSKAYA PRAVDA) including address, phone numbers, and subscription details.